



# SERTIFIKAT



Alisher Navoiy nomidagi Toshkent davlat o‘zbek tili  
va adabiyoti universitetida  
2023-yil, 21-iyun kuni bo‘lib o‘tgan  
**“SHARQ-U G’ARB: NAVOIY VA GYOTE” mavzuidagi**  
**xalqaro ilmiy-nazariy konferensiya**  
**dagi faol ishtiropi uchun**

*Nafosat O‘roqova*

**SERTIFIKAT**  
bilan taqdirlanadi.



**Shuhrat SIROJIDDINOV**  
Toshkent davlat o‘zbek tili va  
adabiyoti universiteti rektori

# **«SHARQ-U G'ARB: NAVOIY VA GYOTE»**

mavzuidagi xalqaro ilmiy-nazariy konferensiya materiallari

Articles of international scientific-theoretical conference on

## **«EAST AND WEST: NAVOI AND GOETHE»**



«SHARQ-U G'ARB: NAVOIY VA GYOTE»  
mavzuidagi xalqaro ilmiy-nazariy konferensiya materiallari  
«EAST AND WEST: NAVOI AND GOETHE»  
Articles of international scientific-theoretical conference on

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI OLIY TA'LIM, FAN VA  
INNOVATSIYALAR VAZIRLIGI  
ALISHER NAVOIY NOMIDAGI  
TOSHKENT DAVLAT O'ZBEK TILI VA ADABIYOTI UNIVERSITETI  
O'ZBEK FILOLOGIYASI FAKULTETI  
JAHON ADABIYOTI VA QIYOSIY ADABIYOTSHUNOSLIK KAFEDRASI

MINISTRY OF HIGHER EDUCATION, SCIENCE AND INNOVATIONS OF  
THE REPUBLIC OF UZBEKISTAN  
ALISHER NAVAI TASHKENT STATE UNIVERSITY OF UZBEK  
LANGUAGE AND LITERATURE  
FACULTY OF UZBEK PHILOLOGY  
DEPARTMENT OF «WORLD OF LITERATURE AND COMPARATIVE  
LITERATURE STUDIES»

## «SHARQ-U G'ARB: NAVOIY VA GYOTE»

*mavzuidagi xalqaro ilmiy-nazariy konferensiya materiallari*  
*2023-yil, 21-iyun*

*Articles of international scientific-theoretical conference on*

## «EAST AND WEST: NAVAI AND GOETHE»

*June 21, 2023*

UDK 885.711(5O')

KBK 133.585.11

«Sharq-u G'arb: Navoiy va Gyote» mavzuidagi xalqaro ilmiy-nazariy konferensiya materiallari. – Toshkent: «Nurafshon business», 2023. – 756 b.

ISBN 978-9943-7074-1-2

*Mas'ul muharrir:*

**Shuhrat Sirojiddinov,**  
*filologiya fanlari doktori, professor*

*Tahrir hay'ati:*

Shuhrat Sirojiddinov (O'zbekiston), Münevver Tekcan (Turkiya), Uzoq Jo'raqulov (O'zbekiston), Agnieska Vojta (Germaniya), Almaz Ulviy (Ozarbayjon), Suvon Meli (O'zbekiston), Nurboy Jabborov (O'zbekiston), Shafiqa Yorqin (Afg'oniston), Nafas Shodmonov (O'zbekiston), Raqymjan Tұryсбек (Qozog'iston), Dilmurod Quronov (O'zbekiston), Odinaxon Jamoliddinova (O'zbekiston), Feruza Ikromxonova (O'zbekiston), Gulnoz Xalliyeva (O'zbekiston), Dilnavoz Yusupova (O'zbekiston).

*«Sharq-u G'arb: Navoiy va Gyote» mavzuidagi ilmiy tadqiqotlar to 'plamida ming yillik ijtimoiy-madaniy, adabiy-estetik munosabatlarda davom etib kelgan Sharq va G'arbiy Yevropa badiiy tafakkuri tadrijiylik, adabiy tur va janrlar, obraz, uslub muammosiga ko 'ra o 'rganiladi. Xususan, Navoiy va Gyote ijodining tipologik xossalari har ikki mutafakkir dunyo adabiyotiga qanday ta 'sir o 'tkazgani, tarjimashunoslik, adabiy aloqlar, tarixiy tipologiya kontekstida talqin etiladi.*

*Ilmiy to 'plam adabiyot nazariyasi, adabiy tanqid, adabiyot tarixi, qiyosiy abiyotshunoslik, tarjima nazariyasi, tarjimashunoslik bilan shug 'ullanayotgan doktorant, tayanch doktorantlar; magistrant va bakalavriyat bosqichi talabalari, shuningdek, badiiy adabiyot masalalari bilan qiziquvchilar uchun mo 'ljallangan.*

*Ushbu to 'plamda «Sharq-u G'arb: Navoiy va Gyote» mavzuidagi xalqaro ilmiy-nazariy anjumaniga yuborilgan maqolalar jamlangan.*

To 'plam Alisher Navoiy nomidagi Toshkent davlat o'zbek tili va adabiyoti universiteti Ilmiy-texnik kengashining 2023-yil 20-apreldagi navbatdagi yig'ilishi qaroriga asosan nashrga tavsiya etilgan.

**Mualliflar qarashlari tahririyat nuqtayi nazaridan farqlanishi mumkin.**

© Sh. Sirojiddinov, 2023.

© «Nurafshon business», 2023.

**Нафосат ЎРОКОВА,**

*PhD*

(БухДУ, Ўзбекистон)

*nafosatoroqova@gmail.com*

## ГЁТЕ ДЕВОНИДА МАСНАВИЙ ШАКЛИ

**Аннотация.** Мазкур мақолада Гёте ижоди мисолида маснавий шаклидаги шеърлар ва уларга хос анъанавийлик, новаторлик хусусиятларига боғлиқ бўлган масалалар муҳокама қилинади. «Фарбу Шарқ девони»даги шеърларнинг маснавий шаклига мансуб парчалари таҳлилга тортилади.

**Калим сўзлар:** маснавий шакли, тасаввуф, Гёте, маърифатпарварлик, «Фарбу Шарқ девони», Шарқ шеърияти, Навоий.

**Abstract.** Annotation: this article discusses the issues related to traditional and innovative features of works in the form of masnavi on the example of Goethe's work. Fragments of poems belonging to the masnavi form of «Gharbu Sharq Divan» are analyzed.

**Keywords:** masnavi form, Sufism, Goethe, Enlightenment, «Gharbu Sharq Divan», Eastern poetry, Navoi.

Шарқ адабиёти, хусусан, азим шеъриятини асрлар давомида машъала сингари нурафшон айлаб келаётган буюк Шарқ алломалари ижоди ҳамиша таҳлилга муҳтоҷ. Уларнинг бой илмий мероси шу қадар кенг қамровлики, ҳали тубига етиб борилмаган манзиллар талайгина. Шарқ алломалари ижодини ўрганиш, уларни таҳлил ва талқин қилиш адабиётшунос олимдан юксак илм, маданият ҳамда заковатни талаб қиласди. Қолаверса, унинг тасаввуфга йўғрилган ҳар сатрини англаш маҳоратига эга чиқиш мashaққатли меҳнат натижасида амалга ошади. Шарқ дунёсида, унинг қадими маданиятида, турмуш тарзида тасаввуфнинг ўрни ва роли бекиёс. Уни ўрганмасдан, англамасдан туриб, Шарқ оламини кашф этиб бўлмайди.

Шарқ адабиёти, қолаверса, тасаввуф дунёси азалдан Фарб ижодкорларининг Шарққа бўлган қизиқишига сабаб бўлиб келган. Уларнинг Эрон ва Турон шеъриятидан илҳомланиши натижасида жаҳон адабиётида ноёб асарлар яратилганига қадим тарих гувоҳ. Бу сирага машҳур немис адиби Йоҳанн Вольфганг Гёте ҳам мансуб. У шоир, драматург, адабиётшунос олим, хуқуқшунос ва шарқшунос, тарихчи ва файласуф, рассом ва театршунос, биология ва минерология фанлари бўйича олим, давлат арбоби сифатида таниқли.

Гётенинг бадиий-илмий мероси бой ва ранг-барангdir. Унинг жами 143 жилдан иборат асарлари орасида «Фарбу Шарқ девони» Шарққа муҳаббат ва ҳурматнинг рамзи сифатида алоҳида ажralиб туради. Ушбу асарнинг

яратилиши жаҳон адабиётида нодир ҳодисалардан биридир. Ўн икки бўйимдан иборат девондаги шеърлар Шарқ ҳаёти манзараларини тасвирлаб беради. Халқ тарихи, турмуш тарзи, менталитети, қадриятлари билан таништиради. Девонга кирган шеърларида Фирдавсий, Анварий, Низомий, Саъдий, Ҳофиз, Жалолиддин Румий, Навоий, Жомий каби қатор шоирлар ижодига тўхталади.

Хўш, Гётенинг Шарқ адабиётига мурожаат қилганлиги, яъни муҳаббат кўйганлигининг сабаби нима эди? Табиийки, бу жараённи Ғарбдаги давр вазияти билан боғлаш мумкин. «Ўша даврда Ғарбдаги ижтимоий давлат тузуми янгидан-янги мураккабликларни келтириб чиқараётган, таназзулга юз тутаётган бир шароитда, ўзи нафас олаётган муҳитда маънавий тиргак бўлгулик бирор нарса тополмаган Гёте хаёлан Шарққа «ҳижрат» қиласи, Шарққа «қочиб кетади», яъни Шарқ шеъриятидан илҳом олади ва «Ғарбу Шарқ девони»ни ёзиш билан машғул бўлади. Бу асар ҳам шаклан, ҳам мазмунан Ғарб ва Шарқ адабий анъаналарини ўзида мужассамлаштирган, бошқача айтганда, унда икки маданият ва икки адабий минтаقا ўзаро синтезлашгандир» [2,3].

Дарҳақиқат, Гёте гарчанд узоқ Германияда умр кечириб, ўша ерда ижод қилган бўлса ҳам, асарларидағи шарқона пафос яққол сезилиб туради. Ҳистойғу ифодасидаги ўзига хослик, тасаввуфий образлар хилма-хиллиги, руҳий нафас, услугуб жозибадорлиги унинг шеърларини Шарққа дохил қилган элементлардир.

Маълумки, мазмун ва шакл ажратиб бўлмас бирликлардир. Фалсафа қонунларига қўра уларнинг бирисиз иккинчиси мавжуд бўла олмайди. Аслида, шеър мазмуни ўзининг шакли орқали янада жозибdir. Яъни, шакл шеърнинг устуни, тиргаги.

Гёте шарқона шеърлар битаркан, мумтоз жанрларни, унга хос шаклларни ҳам ўзлаштириди. Унинг «Ғарбу Шарқ девони» адабиётшунос олим, моҳир таржимон Садриддин Салим Бухорий томонидан олмон тилидан ўзбек тилига бевосита ўгирилган. Мутаржимнинг маҳорати шундаки, Гёте даҳосини англашда сўфиёна бир дарча очолган.

Девон «Ҳижрат» шеъри билан бошланади:

*Тахтлар қулаг не таажжусуб,  
Хароб Шимол, Мағриб, Жануб  
Шарққа ҳижрат эрур воҗисиб,  
Унда ишқу маю мутриб  
Ҳамда Ҳизр суви бордир,  
Боқий умр сенга ёрдир [2,16].*

Рамзий маънога эга бу шеърдан Пайғамбаримиз Муҳаммад (с.а.в.)нинг Мадинага ҳижрат қилишлари жараёнини англаш мушкул эмас. Аммо, аслида, хаёлан бўлса-да, шоирнинг Шарққа «хижрат қилиши»га инжа ишора бор. Буни закий китобхонгина туйиши мумкин.

Девонда турли шеърий шаклларни учратишимииз мумкин. Шулардан тўртлик ва маснавий шакллари энг кўп қўлланган. Мутаржим таржимада қулайликка эришиш ва шоирнинг асл бадиий ниятини китобхонга етказиш учун маснавий шаклидан фойдаланган бўлиб, у шеъриятда иккилиқ номи билан ҳам юритилади. Туркий адабиётда биринчи марта Юсуф Хос Ҳожибининг «Қутадғу билиг» асарида қўлланган. Қолаверса, Навоийнинг «Хамса», «Лисон ут-тайр» асарлари бошдан охир маснавий шаклида битилган. Алишер Навоий маснавий орқали воқеликни кенг ва батафсил, яъни эпик ифода этиш мумкинлигини инобатга олиб, ёзади:

... Лекин ул барчадин даги хуби,  
Бор дуурур маснавийнинг услуби...  
Маснавийким бурун дедим они,  
Сўзда келди васиъ майдони [1,35].

Дарҳақиқат, ҳар бир байтининг мисралари қофиядош бўлган ва байтдан байтга қофияси янгиланиб борадиган шеърий шакл (а-а, б-б, в-в,...) ҳисобланмиш маснавийда шеър битиш ёхуд бошқа тилга ўгириш ижодкор бадиий ниятини ифодалашда самарали натижа беради.

Бундан ташқари, девондаги айрим шеърларнинг маснавий шаклига солинганлиги моҳиятни ўзига хос изчиликда тасвиrlаш имкониятини яратган. Яъни асарга эпик руҳни сингдира олган. Лирик ва эпик шукуҳликнинг моҳияттан мутаносиб ҳолда синтезлашуви натижасида эса гўзал бир таржима асарини ўқишига муваффақ бўлмоқдамиз.

Девонда ўн икки бўлим мавжуд бўлиб, маснавий шаклида келган шеърларни қуидаги тартибда изчил ўрганиш мақсадга мувофиқ бўлади:

1. «Муганийнома» – «Ҳижрат», «Эркинлик», «Тилсимлар»;
2. «Ҳофизнома» – «Арзу дод», «Ишорат» ва «Бехудудлик» шеъридаги айрим парчалар;
3. «Ишқнома» – «Вафо тимсоллари», «Яна вафо тимсоллари тўғрисида»;
4. «Тафриқнома» – «Жалолиддин Румий сўзи», «Беш хислат» шеъридаги айрим парчалар;
5. «Ранжнома» – «Пайғамбар сўзи», бошқа шеърлардаги айрим парчалар;
6. «Ҳикматнома» – панднома шеърлардаги айрим парчалар;
7. «Темурнома» – Зулайҳо нутқидаги айрим парчалар;

8. «Зулайхонома» – Хотам ва Зулайхо нутқидаги айрим парчалар;
9. «Соқийнома» – Хотам нутқидаги айрим парчалар;
10. «Масалнома» – «Кўриб товус патини Қуръон ичра...»;
11. «Форсийнома» – айрим истисноли ўринлардан ташқари барча мисралар;
12. «Хулднома» – Ҳурнинг нутқио.

Бундан кўринадики, девондаги талай шеърларнинг маснавий шаклига солиниши таржимон учун ҳам қатор қулайликларни юзага келтирган.

Шеърият – тасвир имкониятлари ниҳоятда кенг, мароқли фантазия ва жозибали оҳангларга бой санъат. Унда қалб тубидаги кўз илғамас туйғулар, эҳтирослар, фикр ва ҳиссиётлар кураши ҳамда ривожи эмоционал тарзда ифодаланади. Гёте шеърларини таржима орқали таниётган бўлсак-да, ўз бадиияти билан томирларимиздаги қонни жунбушга келтираётганини рад этолмаймиз. Шоир шеърларидағи маънавий бир куч (балки бу унинг Шарқقا бўлган эҳтироми туфайлидир) доимо китобхонни ўзига тортиб туради.

Мутаржим Садриддин Салим Бухорий Гёте девонидаги шеърларни бармоқ вазнига солган. Вазн ва қофия каби унсурлар эса шеърнинг безагидир. Мисралар қатидаги ғоя ажиб бир мусиқий қобиқда бўй кўрсатган. Девоннинг талайгина қисмини эгаллаган маснавий шаклидаги шеърлардан бирини таҳлилга тортайлик:

Ҳайратланма, / анда пайдо = 8 а  
 Насли Одам / билан Ҳаво = 8 а  
 Ҳаққа қабул / бўлса агар = 8 б  
 Муножоти / бани башар, = 8 б  
 Тўлиб Инсон / зиё билан = 8 г  
 Сухбат этса / Худо билан [2, 16] = 8 г

4+4=8 лик туркум тузилишининг бир текисда ва изчил такори мазкур шеър ритмида муҳим роль ўйнаган. Маснавий шаклида (а-а, б-б, г-г) қофияланган. Бўғинлар миқдори туркумни, туркумдаги туроқлар миқдори вазнни, уларнинг жойлашиш тартиби эса мусиқийликни таъминлаган. Содда вазнда ёзилган, чунки мисралар бўғинларнинг умумий миқдори жиҳатидан тенг; туроқланиш тартибидан қатъи назар бир туркум доирасидан четга чиқмайди. Икки туроқли. Бир-олти мисрадан ташкил топган бандлар содда банд саналгани учун, таҳлилга тортилган ушбу банд ҳам содда банддир.

Пайдо-Ҳаво, агар-башар, зиё-Худо каби оҳнгдош сўзларнинг шеър бандида тизимли бўлиб келиши қофиядошлиқни юзага келтирган. Қофия шеър мусиқийлиги ва ритмини таъминловчи асосий устундир. Шеър қурилишида композицион бирлаштирувчи вазифаси ҳам унинг чекида. Бандда қофиядошлиқни ҳосил қилган сўзларнинг оҳангдошлиғи ўзак билан

ўзак орасида содир бўлган. Шунинг учун уларнинг барчасини муқайяд қофия турига мансуб дея оламиз.

Пайдо-Ҳаво сўзларидағи «о» товуши, агар-башар сўзларидағи «р» товуши, зиё-Худо сўзларидағи «о» товуши айнаи такрорланиб, қофиянинг таянч нуқтаси – равийни ҳосил қилган. Улар унли товуш билан тугаган сўз бўлганлиги учун ўз ўрнида очиқ қофия ҳам саналади.

Бир сўз билан айтганда, Гёте шеърлари моҳияттан Шарқ адабиётига жуда яқин бўлиб, бу унинг шарқона қарашларга, тасаввуф адабиётига, Ҳофиз, Навоий, Бедил, Фирдавсий каби қатор алломаларга бўлган муҳаббатини ифодалайди. Унинг «Фарбу Шарқ девони» мана шу эҳтиром меваси сифатида майдонга келган. Девондаги кўплаб шеърларнинг маснавий шаклига солинганлиги эса Шарқ адабиётининг ўзига хос хусусияти нуқтаи назаридан унинг анъаналарига таянилганини кўрсатади.

#### Адабиётлар:

1. Алишер Навоий. Сабъаи сайёр. – Т.: F. Fулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1991. – 342 б.
2. Гёте Йоҳанн Вольфганг. Фарбу Шарқ девони. – Т.: А. Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси нашриёти, 2010. – 164 б.
3. Гёте Йоҳанн Вольфганг. Муҳаббатнома. – Т.: «Шарқ», 1991. – 512 б.
4. Quronov D. Adabiyot nazariyasi asoslari. – Тошкент: Navoiy universiteti, 2018. – 376 b.

24.	РОВИЯЖОН АБДУЛЛАЕВА	НАВОЙ ВА ГЁТЕ: ҲАЁТИЙ МУШТАРАК НҮҚТАЛАР	181
25.	OZODA TOJIBOYEVA	TIMSOL – MOHIYATNI ANGLATISH VOSITASI	195
26.	KOMILJON HAMROYEV	NAVOIY VA GYOTE HIKMATLARINING PAREMİK XUSUSIYATLARI	199
27.	ОДИЛЖОН САФАРОВ, УМИДА ОМОНОВА	ТАРЖИМАВИЙ ТАФАККУРНИ ТҮГРИ ШАКЛЛАНТИРИШ МАСАЛАЛАРИ	207
28.	НАСИБА БОЗОРОВА	«ЁШ ВЕРТЕРНИНГ ИЗТИРОБЛАРИ»ДА ҲУҚУҚИЙ ҚАРАШЛАР	216
29.	ГУЛБАҲОР АШУРОВА	НАВОЙ ОБРАЗИ ВА ЯНГИЧА ТАЛҚИН	220
30.	БАҲОР ТЎРАЕВА	НАВОЙ ВА ГЁТЕ: ШЕЪР, ШОИРЛИК ХУСУСИДА	227
31.	LALƏ ƏLƏKBƏROVA	ƏLİŞİR NƏVAİNİN XX ƏSR AZƏRBAYCAN ŞAIRLƏRİNƏ TƏSİRİ	232
32.	ТОЖИ НОРОВ	НАВОЙ ФАЛСАФАСИДА КОСМОС, МАКОН ВА ЗАМОН	239
33.	АЛИШЕР РАЗЗОҚОВ	НАВОЙ ИЖОДИДА АРАСТУ ОБРАЗИНинг ТАСАВВУФИЙ ТАЛҚИНИ	246
34.	МАХМАДИЙОР АСАДОВ	SIZIF HAQIDA MIF: KAMYU VA XURSHID DO'ST MUHAMMAD	251
35.	ЕКАТЕРИНА РОГАЧЕВА	BERÜHMTE LITERATURFIGUREN AUD DEM OSTEN UND WESTEN	260
36.	KANIMKOOL TADIYEV	HAMLET AND HIS CHARACTER	264
37.	SHAHNOZA RAZAKOVA	EAST AND WEST, NAVOI AND GOETHE	270
38.	СОБИТ АВЕЗОВ	НАВОЙ ВА ГЁТЕ: МАҶРИФИЙ ҚАРАШЛАР УЙҒУНЛИГИ	274
39.	АЛИШЕР МАҲМУДОВ	ГЁТЕ ИЖОДИДА ШАРҚ ГУМАНИЗМИ	278
40.	МАХЛИЁ МИРЗААХМЕДОВА	ГЁТЕ АСАРЛАРИДА МАҶРИФАТЛИ ШАХС ТАЛҚИНИ	285
41.	МУСТАФО БАЙЭШАНОВ	ИСТОРИЧЕСКИЕ ЛИЧНОСТИ УЗБЕКИСТАНА В ХУДОЖЕСТВЕННОЙ ИНТЕРПРЕТАЦИИ В.И. ДАЛЯ	290
42.	НАФОСАТ ЎРОҚОВА	ГЁТЕ ДЕВОНИДА МАСНАВИЙ ШАКЛИ	309
43.	ЗАРИНА РАҲМОНОВА	НАВОЙ ВА ГЁТЕ ИЖОДИДА ИШҚ ТАЛҚИНИ	314
44.	MALIKA MANSUROVA	ГЁТЕ ИЖОДИДА ШАРҚ АЛЛОМАЛАРИ ҚАРАШЛАРИНИНГ ҮРНИ	320
45.	BEKMUROD BOYZOQOV	AHMAD TAROZIY VA SANOYI' ILMLARI	324

**2-ШЎЬБА.**

**ШАРҚ ВА ФАРБ МАҶРИФАТЧИЛИГИНИНГ  
УМУМНАЗАРИЙ МУАММОЛАРИ**

46.	ГУЛНОЗА ЭРНАЗАРОВА	МИЛЛИЯТ ВА АДАБИЁТ	330
-----	--------------------	--------------------	-----